

جلسة مع مغترب

Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ал-Арифий

Муғтариб (эммигрант)лар ҳаётидан

Муғтариб ким?

Муғтариб деганда турли сабабларга кўра ўз юртига сиғмай қолган, ватандан ва яқинларидан айро тушиб, кофирлар диёрига кўчиб борган ва ўша ерда ўрнашиб қолган мусулмон муҳожирни тушунилади.

Муғтариблардан ҳар бирининг ўзига хос ҳикояси, ичини тўлдириб ётган ва оламга сиғмаётган дарду ҳасрати бор. Ушбу китобчада уларнинг ҳаёт воқеликларидан айрим лавҳалар билан танишасиз.

Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ал-Арифий

Алҳамду лиллаҳ, вас-солату вас-саламу ала расулиллоҳ ва баъд...

Биринчи йигит ҳақидаги ҳикоя

Устозлардан бири ҳикоя қилади:

Европа давлатларидан бирида эдим. Бу ерда яхшироқ кун кечириш ва хотиржам умр ўтказиш илинжида келиб ўрнашиб қолган мусулмонлар кўпчиликни ташкил қилар экан. Таровиҳ намози ортидан намозга йиғилганларга маъруза қилиб берганимдан кейин бир киши олдимга келиб: «Муҳтарам устоз, араб биродарлардан бири сизнинг даъват учун келганингизни эшитиб, ўғли билан кўришиб, гаплашингизни илтимос қилди», деди.

Мен ажабланиб: «Ўғли билан учрашаман?! Нега ўзи билан эмас?! Нега ўзи келиб айтақолмади?!», дедим.

«У биз билан намоз ўқимади. Ўғли билан муаммо пайдо бўлган, уни ҳал қилишда ёрдамнингиздан умидвор», деди у.

Шундан сўнг мен бу биродарнинг машинасига ўтириб, у билан ўша айтилган хонадонга йўл олдик.

Хонадон соҳиби ёши олтмишлар атрофидаги одам экан. Тазйиқ ва қувғинларга учраган, қамалган ва азобларга дучор бўлган, охирида оиласини олиб, кофирлар диёрига кетиб, шу ердан паноҳ топган, шу ерда хотиржам ва тўкин-сочин ҳаёт кечириб турган бир оила соҳиби экан.

У мени жуда илиқ кутиб олди, саломлашгач, меҳмонхонасига таклиф қилди.

Шундан сўнг у менга ўзининг бошидан ўтказган аччиқ кунлари, ҳаётида кўрган азоб-уқубатлар, ёши бир жойга борганида хотиржам ҳаёт илинжида қандай қилиб бу ерларга келиб қолгани ҳақида сўзлаб берди.

- Бу ерга келиб хотиржамлик топгандирсиз? – сўрадим.

- Ташқи кўринишдан шундай. Кенг ва қулай хонадон.. Яхши машина.. Етарли маош.. Меҳнат-машаққатсиз ҳаёт.. Қувғин ва тазйиқлардан хотиржамлик..

Кўрган одам мени жуда бахтли деб ўйлайди, менинг ўрнимда бўлишни орзу қилади. Лекин, аслида мен энг бахтсиз одамман!! Ўз ўғил-қизларимга ҳукмим ўтмайди!! Хотинимга ҳукмим ўтмайди!!

Қўйинги, мен ўзимни ўз шахсиятига эга, масъулиятли эркак деб билмайман..
Ҳаётим бир қолипда! Ҳатто жуда зерикарли деб айтиш мумкин. Ўзимни худди эскириб, яроқлилик муддати тугаган, эгаси янгисига алмаштаришини кутиб ётган бир асбоб ё жиҳоздек ҳис қиламан...

Шундан сўнг қария бир оз жимиб қолди, сўнг деди:

- Кечиринг, муҳтарам зот! Мен сизни ўз дарду-ҳасратларимни дастурхон қилиш учун уйимга чақирмаган эдим. Аслида, менинг ҳасратларим бир суҳбатда битадиган эмас. Мен сизни энг кичик ўғлим билан пайдо бўлган муаммонинг ечимига мадад сўраб, чақирдим.. У менинг энг кичик фарзандим, ёши ўн тўққизда. Бу давлатга келганимизда беш яшар бола эди. Шу ўлканинг мактабида ўқиди, шу диёр аҳли билан аралашиб ўсиб-улғайди. Мактабда, бозорда, маҳаллада, ўйингоҳда, хуллас ҳамма жойда шулар ичида, шулар билан аралашиб катта бўлди. Мен уни ҳеч нарсадан ман қилмадим, унинг ҳаётига аралашмадим. Чунки, бу ердаги замонавий тарбия услуби шуни талаб қиларди. Тўғрироғи, мен уни ҳеч нарсадан ман қилишга қодир бўлмадим. Ҳаром-ҳариш бўладими, фаҳш бўладими, бошқа бўладими, уни ман қилишга ҳақли эмасдим. Чунки, ундай қилгудек бўлсам, у менинг устимдан полицияга арз қилиб, мени қаматишга ё жазога торттиришга ҳақли экани тарбия масканларида қулоғига қуйилган эди. Гапни чўзиб ўтирмайман. Қисқаси, у узоқ вақтдан бери намоз ўқимайди, рўза тутмайди. Ҳатто, динга ишонмайди десам ҳам бўлаверди. Ҳамма динларни инсоният учун зулм деб санайди. Охирги пайтларда қаттиқ сиқиладиган, хонасига қамалиб олиб, бизга ҳам қўшилмайдиган бўлиб қолди. Бундан ҳам қизиғи, ҳар куни эрталаб бошини устарада қиради. Сабабини сўрасангиз, ўзича бир нималар дейди.. Нима дейсиз, уни чақирсам, бир гаплашиб кўрасизми? Шояд, Аллоҳ сизни унинг ислоҳига сабабчи қилса...

- Майли, чақиринг.
- Муҳаммад, ҳой Муҳаммад! – чақирди мушфиқ ота.

Бир оздан сўнг ҳузуримизга Муҳаммад кириб келди. Куч-қувватли, ғайрати ичига сиғмаётгандек кўринишдаги бир йигит..

- Ассалому алайкум, – шундай деб у кўришгани қўл чўзди.
- Ва алайкум ассалом, Муҳаммад, қалайсан, яхшимисан?

Отаси гапга аралашди: – Муҳаммад, бу шайх сен билан ҳар доим менга айтадиган гапларинг хусусида гаплашиш учун ташриф буюрганлар. Ўғлим, сен мусулмонсан, ахир. Бундай қилишинг яхши эмас, – шундай деб ота йиғлаб юборди..

Мен айтдим: – Муҳаммад, отаннинг айтишига қараганда, сенда динга тааллуқли айрим саволлар бор экан, эшитсам бўладими? Лекин – кечирасан – аввал бир нарсани сўраб олай, араб тилини яхши тушунасанми ўзи?

- Деярли тўла тушунаман, лекин гаплашишга қийналаман.
- Аввал менга айтчи, сен Аллоҳнинг борлигига эътиқод қиласанми?
- Нима дегани у эътиқод деганингиз?
- Яъни, сен Аллоҳнинг борлигига иймон келтирасанми?
- Нима у иймон дегани?
- Do you believe Allah?
- Ҳа, албатта, албатта!!
- Аллоҳ бизни яратди, ризқ берди, Ўзига ибодат қилишга буюрди, огоҳлантирувчи ва хушxabар берувчи қилиб пайғамбарларни юборди... ва... ва...

Мунозара узоқ чўзилди. Бироқ, у Аллоҳ таолонинг адолатли ва ҳикматли Парвардигор эканига, ёлғиз Угина ибодат қилинишга лойиқ Зот эканига қаноат ҳосил қилмади.. Шундан сўнг мен унга дедим:

- Менга «Фотиҳа» сураси (Алҳамду лиллаҳи роббил аламин) ни ўқиб бера оласанми?

У «Фотиҳа» сурасини ўқий туриб, адашиб қолди. Билдимки, энг қисқа сураларни ҳам ёд билмас экан.

Унга дедим:

- Кел, ёнимга ўтир.

У ёнимга келиб ўтиргач, мен қўлимни унинг кўксига қўйиб туриб, уч марта «Фотиҳа» сурасини ўқидим.. Бирдан кўзидан ёш қуйила бошлади. Шунда мен ўқишдан тўхтадим ва: - Нима бўлди, нега йиғлаяпсан?, - деб сўрадим.

- Билмайман, билмайман, – деб жавоб берди у йиғи аралаш.

Шундан сўнг мен унинг кўксига қўлимни қўйиб туриб, қуйидаги оятларни ўқидим:

«Агар Биз ушбу Қуръонни бирон тоғга нозил қилганимизда, албатта сиз у (тоғ)ни Аллоҳнинг қўрқувидан эгилиб ёрилиб кетган ҳолида кўрган бўлур эдингиз. (Лекин айрим инсонларнинг диллари тоғнинг тошидан ҳам қаттиқроқ бўлгани сабабли уларга Қуръон оятлари ҳам таъсир қилмас). Биз бу мисолларни одамлар учун, шояд улар тафаккур қилсалар, деб келтирмоқдамиз. У — Аллоҳ шундай зотдирки, ҳеч қандай барҳақ илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи барҳақдир. (У) ғайб ва шаҳодатни (яъни яширин ва ошкора нарсаларни)

билувчидир. У меҳрибон ва раҳмлидир. У — Аллоҳ, шундай зотдирки, Ундан ўзга барҳақ маъбуд йўқ, фақат Унинг Ўзи ҳақдир. У (ёлғиз) подшоҳдир, (барча айб-нуқсондан) покдир-саломатдир, (Ўзи хоҳлаган бандаларини дунё бало-офатлари ва охират азобидан) омон қилувчидир, (бандаларнинг амалларини) кўриб-кузатиб турувчидир, қудрат соҳибидир, бўйсундирувчидир, (танҳо) кибр эгасидир. Аллоҳ уларнинг (мушрикларнинг) ширкларидан покдир. У — Аллоҳ яратувчидир, (йўқдан) бор қилувчидир, (барча нарсага) сурат-шакл берувчидир. Унинг гўзал исмлари бордир. Осмонлар ва Ердаги бор нарса Унга тасбеҳ айтур. У қудрат ва ҳикмат соҳибидир» (Ҳашр: 21-24).

«Албатта осмонлар ва Ернинг яратилишида, кеча ва кундузнинг алмашиб туришида, денгизда одамларга керакли нарсаларни олиб юрган кемаларнинг (сузишида) ва Аллоҳ осмондан туширган ва у сабабли ўлик Ерни тирилтириб, бор жонзотни тарқатиб-ёйиб юборган сув деган неъматда ва шамолларнинг йўналтирилишида, осмон ва Ер орасидаги итоатгўй булутда — (буларнинг ҳаммасида) ақлли кишилар учун оят-аломатлар бордир» (Бақара: 164).

«Айтинг: «Ҳақиқатан ҳам сизлар Ерни икки кунда яратган зотга кофир бўлурмисизлар ва ўзгаларни Унга тенглаштиурмисизлар?! Бу (Аллоҳ) барча оламларнинг Парвардигори-ку?! У зот (Ернинг) устида тоғларни (пайдо) қилди ва уни баракотли қилди ҳамда ўша (Ер)да унинг емишларини (яъни Ер аҳлининг ризку рўзларини) тўла тўрт кунда белгилаб — тақсимлади. (Бу тафсилот) сўраувчилар учундир. Сўнгра тутун ҳолидаги осмонга юзланиб, унга ва Ерга: «(Менинг амри-фармонимга) ихтиёран ёки мажбуран келинглари!» деган эди, улар: «Ўз ихтиёримиз билан келдик, (амринга бўйсундик)», дедилар. Бас икки кунда етти осмонни барпо қилди ва ҳар бир осмонга (унга буюрилган) иши-вазифасини ваҳий қилди (билдирди). Биз қуйи осмонни чироқлар-юлдузлар билан безадик ва (уни офат-балолардан) сақладик. Бу қудратли ва билувчи зотнинг тақдири — ўлчовидир» (Фуссилат: 9-12).

Мен унга шу ва бундан бошқа Аллоҳнинг буюклигига далолат қилувчи оятларни ўқиб бердим. Йигитча бу оятларни эшитаркан, ўксиб-ўксиб йиғлар, йиғиси қаттиқлигидан баъзан узилиш ҳам бўлиб қоларди. Мен тиловатни тугатгач, у билан мунозарани давом эттирмоқчи бўлиб, сўз очдим. Бироқ, унинг бир калима ҳам гапиришга ҳоли келмади..

Мен унинг қўлидан тутиб, ўрнидан тургиздим ва: «Тур, икки ракъат намоз ўқи, ҳаётингни янгидан бошла», дедим.

У ўзини яратган ва қадди-қоматини расо қилиб қўйган, ўзини яратган ва унга ҳидоят бахш этган, ўзини яратган ва ризқ берган, бемор бўлса шифо ато этадиган, ўлдирадиган ва ҳаёт бахш этадиган Яратувчиси ва Хожаси ҳузурида бўйин эгиб турди.

Оламлар подшоҳи – жалла жалолуху – ҳузурида бош эгиб турди.. Узоқ йиғлади.. У билан Парвардигори ўртасидаги узилиш узоқ йилларга чўзилган эди.. Намоздан фориф бўлгач, жамоат билан тарових намозларидан қолмасликка, маъруза (маъруза)ларга бориб туришга сўз берди. Бунинг учун Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

Бу биринчи йигит ҳақидаги ҳикоя эди.

Иккинчи йигит ҳақидаги ҳикоя

Энди иккинчи йигит ҳақидаги ҳикояга қулоқ солинг..

Унинг акаси намозни қанда қилмайдиган, доим биз билан бирга «Ислом маркази»да жамоат бўлиб намоз ўқийдиган бир биродар эди. У менинг ёнимга келиб, укасининг намоз ўқимаслигини, рўза тутмаслигини, умуман ибодатдан узоқ эканини айтиб, у билан бир гаплашишимни илтимос қилди.

Мен бу биродар билан унинг уйига бордим. Уйга кириб ўтирганимиздан сўнг у: «Муҳаммад, ҳой Муҳаммад!» деб чақирди. Муҳаммад унинг укасининг исми бўлиб, у ўн саккизга кирган йигитча экан.

Муҳаммад хонага кириб келиб, хушмуомалалик билан сўрашди, сўнг ўтирди. Акаси деди: «Муҳаммад, бу шайх шаҳримизга даъват учун келганлар, сен билан танишмоқчилар».

«Хуш келибсиз», деб жавоб қилди Муҳаммад лутф билан.

У билан ўртамизда ҳаёт ҳақида, бу дунёга келишимиз сабаби ҳақида, Аллоҳ таолога тоат-ибодат қилиш лозимлиги ҳақида, кофирлар залолатда экани, ҳақиқий саодат мана шу динда экани борасида суҳбат кечди.

Сўнг мен Европа мамлакатларидаги мусулмон ёшлар ўртасида кенг тарқалган шариатга хилоф ишлар ҳақида, намозни тарк қилган одамга бериладиган азоб ҳақида ва ҳоказо ишлар тўғрисида гапирдим.

Йигитча сўзларимга бепарволик билан қулоқ солар, мен айтаётган ишлар у учун умуман аҳамиятсиз экани кўриниб турарди.

Шундан кейин мен ундан «Фотиҳа» сурасини ўқиб беришини сўрадим. Ўқий туриб адашиб қолди, тўғрилаб қўйдим. Яна адашди, яна тўғриладим. Яна адашди, яна тўғриладим. Ҳа, шу биргина «Фотиҳа» сурасини ҳам ёд билмас экан!

Мен унга дедим: «Биз сени яхши кўрамыз, сенга яхшилик истаймиз... Умид қиламанки, биз билан бирга таровиҳ намозида бўласан, намоздан кейинги муърузада ҳозир бўласан..»

У истар-истамас бунга розилик билдирди. Таровиҳ намозига келди, маърузада қатнашди..

Сўнг шу кетганича бошқа уни кўрмадим. Акасидан сўрадим. У деди: «Укамнинг айтишича, масжидда ўтказган бир соат вақти унга ўн йилга ўхшаб чўзилибди эмиш».

Мен «Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ» дедим, сўнг унга ҳидоят сўраб дуо қилдим.

Учинчи йигит ҳақидаги ҳикоя

Швецияга сафар қилдим. У ерда қочқинлиқ мақоми олиб, ўрнашиб қолган мусулмонлар анча кўпчиликни ташкил қилади. Таровиҳ намози ва (араб тилида қилинган) маърузадан сўнг ҳузуримга араб биродарлардан бири келиб, бир неча швециялик мусулмон ёшлар мен билан суҳбатлашиш истагида эканларини етказди. Улар масжидда давра қуриб ўтиришган экан.

Мен биродарлардан биридан мен билан улар ўртасида таржимонлик қилишини илтимос қилдим. Сўнг бу динга ҳидоятланиш неъматини ва унда сабот билан туришнинг аҳамияти ҳақида сўзладим. Ҳалиги биродар арабчадан уларнинг тилига таржима қилиб турди.

Шу орада таржимонимизни биров чақириб қолди. У бизни қолдириб, нари кетди. Мен унинг қайтишини кутиб, гапдан тўхтадим. У ҳадеганда келавермади ва биз анча кутиб қолдик.

Шунда тўсатдан суҳбатдошларимдан бири арабчани бузиб талаффуз қилиб: «Мин азгина таршима килиб биламан», деб қолди.

Мен ажабланиб: «Араб тилини тушунасанми?!», деб сўрадим.

Айтишича, у фаластинлик араб хонадонидан бўлиб, ўзи шу ерда туғилган экан, Швеция фуқароси экан. Ота-онаси унга араб тилини ўргатишга қунт қилишмаган, шундай бўлса-да арабчани оз-моз тушунар экан. У бу гапларни менга инглизча аралаш бузуқ араб лаҳжасида айтиб берди.

Бу муҳожирлик диёрида яшаб турган мусулмон ёшларимиз ҳаётидан бир кўриниш эди. Улар яна ҳам шунчалик мусулмонликларини сақлаб юришибди. На ҳидоятга, на тавбага муваффақ бўлмаган, шаҳват-хоҳишлари ортидан елиб юрган номига мусулмон бўлган ёшлар қанча ҳали!!

Мен ҳозир йигитлар ҳақида гапирдим. Қизларда ҳам ҳолат шундан ўзгача эмас. Улар бизнинг ўғилларимиз, қизларимиз..

Оталарнинг аҳволи эса бундан ҳам ачинарли..

Муҳожир ота-оналар ҳаётидан биринчи ҳикоя

У эзгин ва ҳорғин ҳолда олдимга кириб келди. Ҳол-аҳвол сўрасам, тўлиб турган экан, бирдан ёрилди:

- Эй шайх, жуда зерикдим бу ҳаётдан!! Илгари мусулмон диёрларидан бирида яшардим.. Азонни эшитардим, намозга қатнардим.. Намозхонлар билан бирга руку-сужуд қилардим, Аллоҳни зикр қилардим.. На хочга, на черковга кўзим тушарди..

Тўғри, камтарона ҳаёт кечирардим, ортиқча мол-мулким, қўшимча жамғармам йўқ эди.. Шинам, ҳамма қулайликларга эга уй-жойим йўқ эди.. Тараққий этган замонавий шифохонада даволанмасдим.. Лекин, ўзимга хон, ўзимга бек эдим.. Каталақдек хонадоним тахтида қўр тўкиб ўтирган подшоҳ эдим. Атрофимда гирдикапалак бўлган турмуш ўртоғим ва болаларим билан худди ой атрофидаги юлдузлар мисол ҳаёт кечирардик..

Ўғлим қаерга бораяпти, қизим ким билан гаплашаяпти, хотиним кимлар билан кўришиб юрипти... Ҳаммасидан бохабар эдим.

Кейин қариндошларимдан бири тараққий этган бу мамлакатга кўчиб келишга мени қизиқтирди, бошпана сўраганларга фуқаролик берилишини, бу ерда хотиржам ҳаёт, роҳат-фароғатда кун кечиримиз мумкинлигини, ойлик маошлари, даволаниш шароитлари юқори даражадалигини айтди.. Шундай қилиб, мен оилам билан Швецияга келиб қолдим..

Давлат менинг бошпана бериш ҳақидаги сўровимни қондирди. Яхшигина турар-жой беришди. Фарзандларим ривожланган замонавий мактабларда ўқишди.. Аввал-бошда ҳаётимиз худди гўзал тушдек туюларди менга..

Тўғри, азон товушлари ўрнини кўнғироқлар жаранги эгаллаганди.. Таҳоратли, нузли юзлар ўрнига нурсиз ва фариштасиз юзларга тўқнаш келинарди..

Лекин, янгича ҳаёт ва роҳат-фароғатлар олдида бу нарсалар деярли аҳамиятини йўқотганди...

Шундай қилиб, кунлар бир-бирини қувалаб ўтаверди.. Вақт ўтиб, мен бу ердаги фасодга тўла ҳаёт воқелигидан бирма-бир огоҳ бўлиб бордим.. Фарзандларим ҳаётдан ташвишланадиган бўлиб қолдим.. Гўё душмани болаларига чанг солиб, ўлдириб кетишидан қўрққан одамдек доим хавотирда эдим..

Кунлардан бирида қўрққан нарсам содир бўлди.

Уйим эшиги тақиллади. Чиқсам, малласоч бир қиз турибди!!

- Ҳа, ким керак сенга?
- Мен Мохамеднинг мактабдош ўртоғиман, унинг олдига, хонасига кирмоқчиман!!

Мен уни уришиб бердим ва ҳайдаб юбордим.. Кейин ўғлимни ҳам уришдим, унга кўп насиҳат қилдим..

Орадан икки кун ўтгач, яна эшигим кўнғироғи чалинди. Чиқсам, эшик олдида энди бир малласоч ўспирин турибди.

- Ким керак сенга?
- Мен Саранинг мактабдош дўстиман. Унинг олдига, хонасига кирмоқчиман!!

Уни ҳам ҳайдаб солдим.

Шу кундан уйда фавқулодда ҳолат эълон қилдим.. Янги қонун-қоидалар, тартиблар жорий этдим..

Ўзга жинс вакили билан аралашиб юриш мумкин эмас..

Мактабдан бошқа ёки жума куни масжиддан бошқа ҳеч қаерга бориш мумкин эмас..

Швед қизлар билан учрашиш тақиқланади..

Швед йигитлар билан учрашиш тақиқланади..

Мумкин эмас.. Тақиқланади..

Сўнг ушбу тақиқ ва қоидаларга амал қилинишни диққат билан назорат қилиб бордим.

Кунлар ўтиб, кўнглим бироз хотиржам тортди. Назаримда, танглик ортда қолгандек эди.

Бироқ, кутилмаганда ҳаммаси чаппасига айланиб кетди!!

Бир куни майда-чуйда харид қилиш учун чиқиб, қайтаётсам, муюлишда уйим олдида полиция машинаси ва бир неча полициячилар турганига кўзим тушди. Қўрқиб кетдим.. Уйимни ўғри босдимикин?! Болаларим, жондан азиз дилбандларим бирон хатарга дучор бўлдимикинлар?! Юрагим ҳапқириб, қўлимдаги егуликлар солинган халтани ҳам ташлаб, уйга қараб югурдим..

Эшик олдига етиб келганимда адолат посбонлари мени тўхтатдилар:

- Сиз фалончимисиз?
- Ҳа, ҳа! Тинчликми ишқилиб?
- Устингиздан арз тушган. Биз билан боришингизга тўғри келади.

Улар мени полиция идорасига олиб кетдилар..

Маълум бўлишича, мен дўконга чиқиб кетганимдан сўнг хотиним ва қизим полиция идорасига бориб, менга қарши даъво аризаси топширишибди!! Мен уларнинг эркинликларини бўғаетган эканман.. Уларга нисбатан ёмон муносабатда бўлаётган эканман.. Қизимни таниш йигитлари билан, ўғлимни эса қиз ўртоқлари билан учрашишдан ман қилган эканман.. Аризада бундан бошқа яна бир неча айбловлар бор эди..

Тараққиёт душмани бўлган қолоқ отага қарши «адолат посбонлари!!» тарафидан маҳкама иши қўзғатилди.. Севишган йигит-қиз ўртасига тўғаноқ бўлишга, уларни ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлишдан тўсишга қандай ҳадди сиғди?! Ўсиб келаётган ёш йигит ва қизнинг эркинлигини бўғишга ким изн берди унга?! Эркинлик ва тараққиёт ҳукм сурган давлатда қандай қилиб бу каби ваҳшийлик юз бериши мумкин?!..

Шундай қилиб, устимдан жиноий иш қўзғаб, маҳкамага оширдилар. Маҳкама мени бошқаларга ибрат бўлишим учун уч йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди..

Болаларимни эса бошқа шаҳарга кўчириб, нафақаларини оналари номига ўтказдилар.. Уларнинг унвонларидан (адресларидан) мени хабардор қилмадилар. Улар билан хабарлашишга, алоқа қилишга имкон бермадилар..

Бахтли ҳаёт қидириб, бахтсизликка дучор бўлган мен шўрпешона отанинг бошига келган кўргилик ҳеч кимнинг бошига келмасин.

Иккинчи ҳикоя

Бу аёл Даниядаги бир шаҳарда болалари билан истиқомат қилиб келарди.

Кунлардан бирида 4 ва 6 ёшли икки боласи урушиб қолиб, тўполон кўтарганида уларни уради. Болаларнинг йиғи овозларини эшитган дания фуқароси бўлган «меҳрибон» қўшнисини ўша заҳоти полицияга қўнғироқ қилади. Ўқдек учиб келган полиция болаларни «қаттол она зулмидан қутқариб» олиб кетади!!

Қаранг-а, улар болаларга оналаридан ҳам меҳрибонроқ эмишлар!!

Бир неча соат ичида онани оналикдан маҳрум этадилар ва болалардан бирини Даниянинг шимолидаги бир шаҳарда яшовчи бефарзанд оила бағрида

тарбияланиши учун бериб юборадилар.. Иккинчисини эса Норвегияда яшовчи хонадонга бериб юборадилар..

Муштипар она эса «адолат, эркинлик ва фароғат» диёрида ҳасрат ва фироқ аламини ичига ютиб қолаверади!!

Муҳожир биродар!

Ҳар бир муҳожирнинг ўз дарду-ҳасрати бор..

Ҳар бир мусофир ота-онанинг дилини маҳзунлик, кўзини маъюслик қоплаган..

Ҳар бирининг айрича кечинмалари мавжуд..

Хўш, бу муаммоларнинг ечими борми?!

Аччиқ воқеликка таслим бўлишдами ечим?!.. Ё то Аллоҳ таоло ёруғ кунларга етказгунича имкон қадар динингизни, фарзандларингизни асраб-авайлашга уриниш керакми?!

Америка, Канада, Австралия, Британия, Франция, Скандинавия давлатлари ва бошқа мамлакатларда қўним топган мусулмон муҳожирлар ҳаётидан ўзим кўрган-кузатган воқеликлардан келиб чиқиб, қуйидаги насиҳат ва тавсияларни тақдим қилишга жазм қилдим. Шоядки, уларга амал қилган муҳожирларнинг ҳоли бошқаларга қараганда дурустроқ бўлса..

Биринчи насиҳат:

Асло ёддан чиқармаслик керакки, кофирлар мусулмонларга ҳар қанча адолат ва муҳаббат кўрсатмасинлар, уларга нисбатан ҳар қанча меҳр-мурувватли бўлмасинлар, ҳеч қачон мусулмонларга садоқатли дўст бўлмайдилар.. Сиздан улар кофирликдан бошқани кутишмайди, бундан бошқаси уларни асло рози қилмайди:

«Яҳудий ва насронийлар уларнинг динига кирмагунингизча ҳаргиз сиздан рози бўлмайдилар» (Бақара: 120).

«Улар ўзлари кофир бўлганлари каби сизлар ҳам кофир бўлиб, улар билан баробар бўлиб қолишларингизни истайдилар» (Нисо: 89).

Ҳа, Аллоҳга қасамки, шундай!!!

Агар кофир бўлсангиз – бундан Аллоҳнинг ўзи асрасин – сизни бир нави ўзларига дўст тутишлари мумкин. Чунки, улар ўз ичларидан бўлган кофирлар билан уларнинг динларига ўтган кишилар ўртасини ҳам ажратишади.

Сиз менга айтишингиз мумкинки, улар бизни яхши кутиб олишмоқда, бизга одамлардек муомалада бўлишмоқда, бизга пул-мол беришмоқда, роҳат-фароғатли ҳаёт бахш этишмоқда...

Бунга жавобим шуки, улар бу ишларнинг ҳаммасини ўзлари учун сизлардан ҳосил бўладиган манфаатларни кўзлаб қилмоқдалар!! Улар сизларни қабул қилиш билан талайгина фойдаларга эришадилар. Сизлар билан мамлакатлари аҳолиси сони ошади, табиийки бунинг ортидан иқтисодлари кучаяди, давлатлари тараққий этади. Сизлар билан ишчи-хизматчилар сони ортади, аҳолининг ўсиш даражасини камайтирмасдан ушлаб туришади. Чунки, ўзларининг фарзандлар кўришга, болаларни кўпайтиришга на рағбатлари, на тоқатлари бор! Улар оила қурмай, фарзанд кўпайтирмай, бир умр ўйнаш билан яшаб ўтишни афзал кўришади. Мабодо, бола кўришни истаган тақдирда ҳам битта ё иккита бола билан кифояланишади. Маълумотларни кузатсангиз, уларда кекса ёшлилар ёшларга қараганда анча кўп эканини кўрасиз.. Ҳа, улар узоқ келажак режасини тузишга мажбурлар.. Сўзим исботи учун, яқинда Америка эмиграция хизмати идораси тарафидан чиқарилган маълумотномада қайд этилишича, Америка келажакда мамлакат аҳолиси сонини бир хил тутиб туриши учун йилига йигирма миллион муҳожирни қабул қилиши зарур экан.. Ҳа, улар сизни яхши кўрганидан ё сизга меҳр кўрсатиш учун қабул қилишмаяпти.. Асло ундай эмас! Улар сиздан фойдаланишади, холос. Бор гап шу!!

Мабодо, сиздан фойдаланиша олмаган тақдирда ҳам – чунки сизда мусулмонлик сақланиб қолган, шариатга хилоф ишларга рози бўлмаслигингиз мумкин, баъзан намоз ва ибодатга ҳарислигингиз уларнинг жиғига тегиши мумкин – улар болаларингиздан фойдаланишади. Башарти, болаларингизда ҳам исломий тарбия асоратлари қолган бўлса ва улардан ҳам ўзлари кутгандек фойдалана олишмаса, болаларингизнинг болаларидан албатта фойдаланишади!! Чунки, улар ўша ерда туғилишади, уларнинг таълим-тарбиясини олишади, уларнинг фуқаролигига эга бўлишади.

Биласизми, ўтган эллик йил мобайнида Бразилияга бир миллион мусулмон келиб ўрнашган, ҳозиргача улардан ярим миллиони насроний бўлиб кетган!!

«Яҳудий ва насронийлар уларнинг динига кирмагунингизча ҳаргиз сиздан рози бўлмайдилар» (Бақара: 120).

«Улар ўзлари кофир бўлганлари каби сизлар ҳам кофир бўлиб, улар билан баробар бўлиб қолишларингизни истайдилар» (Нисо: 89).

«Улар сизларга зарар етказишда кучларини аямайдилар ва ёмон ҳолга тушишингизни орзу қиладилар. Уларнинг сизларни ёмон кўришлари оғизларидан ошкор бўлди. Дилларидаги адоватлари эса янада каттароқдир» (Оли Имрон: 118).

Уларнинг энг катта мақсадлари сизни Исломдан чиқариш, аслида! Насронийликни қабул қилиш-қилмаслигингиз эса иккинчи даражали иш саналади. Сўзимга исбот шуки, уларнинг ўзлари ҳам насронийликдан тобора узоқлашиб боришмоқда!

Бир ўйлаб кўринг, ер қитъасида қанчадан-қанча мусулмон насронийлар кўли билан қатл этилмоқда!! Боснияда, Косовада, Чеченистонда, Эритрияда, Суданда, Индонезияда... (Афғонистонда, Ироқда...)...

Нима, ё бу ердаги насронийлар у ердаги насронийлардан фарқ қилади деб ўйлайсизми?!!

Куфрнинг ҳаммаси битта миллат эканини унутманг!!

Диққат билан қараган одам мусулмон қочқинларни қабул қилаётган ва уларга меҳр кўрсатаётган ўша давлатлар таълим-тарбия, хизмат ўринларидаги аралаш система орқали уларни ўз динларидан узоқлаштириб боришини, буни ҳар қадамда оғиз кўпиртириб: «Эркинлик!!» деб номлашларини кўриши мумкин. Эркинлик ва ахлоқий тубанлик – улар наздида – бир танганинг икки томони саналади.. Ахлоқини маҳкам тутиб қолган одам уларда қолюқлик намунаси деб кўрилади!!

Иккинчи насиҳат:

Сиз бу мамлакатда туришингизни вақтинчалик истиқомат деб эътибор қилинг. Воқеълик қандай бўлмасин, ўзингизни ҳам, оилангиз ва фарзандларингизни ҳам шунга ишонтиринг!!

Шундай қилсангиз, ўзингизни куфр диёрига эмас, мусулмон диёрига нисбатлашингиз осон бўлади. Бир кун келиб, албатта мусулмон диёрига қайтиб келасиз, яна қайта азон товушларини эшитасиз, намозхонлар қаторида саждага бош кўясиз!!

Қуйидаги фатво билан яхшилаб танишиб чиқинг, у шайх аллома Муҳаммад ибн Солиҳ ал-Усаймин раҳимаҳуллоҳга тегишли:

Савол: Мусулмон кишининг кофир мамлакатларда яшаши ҳукми қандай?

Жавоб: Кофирлар диёрида яшаш мусулмон кишининг дини, ахлоқи, одоби ва ҳаёт йўли учун катта хатар туғдиради. У мамлакатларда яшаб турган кишилардан кўпларини йўлдан чиқиб кетишганини, қанчалаб мусулмонлар фосиқ бўлиб кетишганини, айримлар эса бутунлай диндан чиқиб, муртад ва кофир бўлиб кетишганини, динни ва диндорларни масхара қилувчиларга айланиб кетишганини кўриб турибмиз. Шунинг учун имкон қадар бундан сақланиш, ҳалокат жарликларига қулаш йўлидан тўсиб қолувчи бир неча шартларни қўйиш зарур бўлади.

Куфр диёрида яшаш учун унда қуйидаги асосий икки шарт топилиши зарур саналади:

Биринчи шарт:

У ерда яшаб турувчи киши ўз динига хотиржам бўлиши, яъни унда динида сабот билан туришига имкон берувчи ҳамда тойилиб кетишдан асраб қолувчи илм, иймон ва азм топилиши, қалбида кофирларга адоват ва нафрат ўрнашган бўлиши, уларни дўст тутиш ва яхши кўришдан узоқ бўлиши шарт бўлади. Чунки, кофирларни дўст тутиш ва уларни яхши кўриш иймонга зид ишдир. Аллоҳ таоло айтади:

«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига муҳолифлик қилган кимсалар билан — гарчи улар ўзларининг оталари, ёки ўғиллари, ёки оға-инилари, ёки қариндош-уруғлари бўлсалар-да — дўстлашаётганларини топмассиз» (Мужода: 22).

«Эй мўминлар, яҳудийлар ва насронийларни дўст тутмангиз! Уларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар Сизлардан ким уларга дўст бўлса, у ўшалардандир. Албатта, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас. Сиз дилларида мараз бўлган кимсалар: «Бизга бирон бало етишидан қўрқамиз», деган ҳолларида улар (кофирлар) томонга шошаётганларини кўрасиз. Шояд Аллоҳ мусулмонларга ғалаба берса ёки Ўз ҳузуридан (бу мунофиқ кимсаларни шарманда қиладиган) бирон ишни келтириб, улар ичларида яширган нарсаларига надомат қилувчиларга айланиб қолсалар» (Моид: 51, 52).

«Саҳиҳ» тўпламларда келганки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким бир қавмни яхши кўрса, у ўшалардандир», деганлар, «Киши ўзи яхши кўрган кишиси билан биргадир», деганлар. Аллоҳнинг душманларига муҳаббат қўйиш мусулмон киши учун жуда катта хатардир. Чунки, уларни яхши кўриш уларга мувофиқ келиш ва уларга эргашишни тақозо қилади, ҳеч бўлмаганда уларга инкор

қилмасликни лозим тутеди. Шунинг учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким бир қавмни яхши кўрса, у ўшалардан», деганлар.

Иккинчи шарт:

Ўз динини изҳор қилиши имкони бор бўлиши, исломий ибодатларни ҳеч қандай монеъликсиз адо эта олиши, намоз ўқишдан ва агар биргаликда жумъа ва жамоат намозлари ўқийдиган кишилар бўлса, жумъа ва жамоат намозидан тўсилмаслиги, закот, рўза, ҳаж ва бошқа динимиз арконларидан ман қилинмаслиги шарт бўлади.

Агар бунинг имкони бўлмаса, у ерда яшаб туриш жоиз бўлмайди, албатта у ердан кўчиб кетиш фарз бўлади. «Ал-муғний»да (8/458) айтилишича, одамлар ҳижрат борасида бир неча қисмга бўлинади:

«Биринчиси: Ҳижрат вожиб бўлган кишилар. Улар ўз динини изҳор қилишга қодир бўлмайдиган, кофирлар ичида яшаб туриб, динининг буйруқларини адо қилиш имконига эга бўлмаган кишилар бўлиб, ўзлари ҳижрат қилишга қодир бўладилар. Бундай кишига ҳижрат фарз бўлади. Чунки, Аллоҳ таоло айтади: **«Албатта** (мусулмонлар билан бирга ҳижрат қилмасдан кофирлар қўл остида яшашга рози бўлиш билан) **ўз жонларига жабр қилган кимсаларнинг жонларини олиш чоғида фаришталар уларга: «Қандай ҳолда яшадингиз?» — деганларида: «Биз бу ерда чорасиз бечоралар эдик», дедилар.** (Шунда фаришталар): **«Ҳижрат қилсанглар Аллоҳнинг ери кенг эди-ку?!** (Нега дину иймонларингиз йўлида бу юртдан ҳижрат қилмадинглар?)» — дейишди. **Бундайларнинг жойлари жаҳаннамдир. Қандай ёмон жойдир у!»** (Нисо: 97). Бу жуда оғир огоҳлантириш бўлиб, ҳижратнинг фарзлигига далил бўлади. Чунки, динидаги фарз амални бажариш унга қодир бўлган ҳар бир кишига фарздир. Ҳижрат эса фарзни бажариш учун зарурий бўлган ишдир. Фарз нима билан адо топса, ўшани қилиш ҳам фарз бўлади».

Мазкур икки шарт тўла-тўқис топилганидан кейин кофирлар диёрида яшаб туриш бир неча қисмга бўлинади:

Биринчи қисм:

Исломга даъват ва тарғиб қилиш мақсадида яшаб туриш. Бу жиҳоднинг бир тури бўлиб, қодир бўлган киши учун фарзи кифоя саналади. Шарти шуки, даъват ҳақиқатда амалга ошиши керак, ундан ман қиладиган ёки уни ижобат қилишдан тўсадиган моне бўлмаслиги лозим. Чунки, Исломга даъват қилиш диндаги вожиблардан бўлиб, пайғамбарларнинг йўли шундан иборат бўлган. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамма замон ва маконда ўзлари олиб келган динни

етказишга буюриб: «Мендан бир оят бўлса-да етказинглар», деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Иккинчи қисм:

Кофирларнинг аҳволларини ўрганиш, уларнинг бузуқ ақидаларини ва ботил ибодат йўлларини билиш, тубан ахлоқлари ва шармандали ҳаёт тарзларини таниб, улардан одамларни огоҳлантириш, уларнинг ҳаётларига маҳлиё бўлувчиларга бу ҳақда тушунтириш бериш мақсадида яшаб туриш. Бу мақсадда туриш ҳам жиҳоднинг бир тури саналади. Чунки, бу билан куфр ва унинг аҳлидан огоҳлантириш ва шу билан бир қаторда Исломга йўлланишга тарғиб ҳосил бўлади. Зеро, куфрнинг фосидлиги Исломнинг салоҳиятли эканига далил бўлади. Лекин, бунда ҳам шарти шуки, кўзда тутилган мақсад ундан кўра каттароқ ёмонликсиз ҳосил бўлсин. Агар мақсад ҳосил бўлмаса, яъни уларнинг бузуқ ақида ва ҳаёт тарзларини ёритиш ва ундан огоҳлантириш ман қилинган бўлса, ёки бошқа бирон каттароқ ёмонлик эвазига ҳосил бўлса, яъни масалан унинг ишига жавобан Исломни ё Ислом пайғамбарини ё исломий йўлбошчиларни сўкиш ва ҳақоратлаш билан жавоб берсалар, у ҳолда у ерда туришдан фойда бўлмайди ва бу ишдан тийилиш лозим бўлади. Чунки, Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳдан ўзгага сиғинадиган кимсаларни (бутларини) сўкмангиз! У ҳолда улар ҳадларидан ошиб, жоҳиллик билан Аллоҳни сўкурлар. Ҳар бир миллат-дин аҳлига ўзлари қилган амални мана шундай чиройли кўрсатиб қўйганмиз. Сўнгра Парвардигорларига қайтмоқлари бор. Бас, У зот уларга қилиб ўтган амалларининг хабарини берур»** (Анъом: 108).

Кофирлар диёрида уларнинг мусулмонларга қарши тадбир қилаётган фириб-найрангларини ўрганиш ва бу ҳақда мусулмонларни огоҳлантириш мақсадида туриш ҳам шу турга киради. Чунки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам Хандақ урушида Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳуни мушрикларнинг хабарини билиб келишга юборганлар.

Учинчи қисм:

Мусулмон давлатнинг ҳожати учун, унинг куфр давлати билан алоқаларини тартибга солиб туриш учун – элчихона хизматчилари каби – яшаб туриш. Унинг ҳукми нима мақсадда турганига қараб бўлади. Масалан, маданий атташе у ердаги талабаларнинг ишларини бошқариш, уларни назорат қилиб туриш, уларни Исломга ва исломий одоб-ахлоқларга амал қилишга ундаш ва тарғиб қилиш учун туради, унинг ўша ерда туришидан катта фойда ҳосил бўлиб, кўп ёмонликларнинг олди олинган бўлади.

Тўртинчи қисм:

Мубоҳ саналган хос эҳтиёжи учун, масалан тижорат ё даволаниш мақсадида яшаб туриш. Бу ҳолда эҳтиёжи миқдорига қараб туриш мубоҳ бўлади. Аҳли илмлар кофирлар диёрига тижорат мақсадида кириш жоизлигини айтганлар ва бу ҳақда баъзи саҳобалардан ривоят қилганлар.

Бешинчи қисм:

Ўқиш ва таълим олиш мақсадида туриш. Бу ҳам юқоридаги айтилгани каби – яъни ҳожат учун – туриш турига киради. Бироқ, бу нав яшаб туриш аввалгидан кўра хатарлироқ, кишининг дини ва ахлоқига ёмон таъсири кўпроқ бўлади.

Олтинчи қисм:

Бутунлай яшаб қолиш мақсадида туриш. Бу юқорида айтиб ўтилганларнинг ҳаммасидан кўра хатарлироқ. Чунки, ортидан кўп ёмонликлар келиши кутилади. Чунончи, кофирлар билан тўла аралашиб юриш, шу давлатнинг фуқароси (граждани) сифатида барча фуқаролардан талаб этиладиган ўзаро муҳаббат ва дўстлик, кофирларнинг саноғини кўпайтириш, фарзандларнинг куфр ичида тарбия топиши ва уларнинг ахлоқ ва одатларидан таъсирланиши, ақида ва ибодатларда уларга тақлид қилишлари каби. Шунинг учун ҳам ҳадисда келганки: «Ким мушрикка қўшилса ва у билан бирга яшаса, у ҳам худди ўша (мушрик) кабидир» (Абу Довуд ривоят қилган, Албоний саҳиҳ санаган). Яъни, кофирлар билан давомий аралашиб юриш ва бир жойда бирга туриш охир-оқибат юриш-туриш ва гап-сўзда уларга ўхшашликка олиб келади.

Қайс ибн Аби Ҳозим Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен мушриклар орасида яшаб турадиган ҳар қандай мусулмондан покман (безорман)», деганлар (Абу Довуд ва Термизий ривоятлари).

Шундай экан, очикдан-очик куфрона ҳаёт тарзи тарғиб қилинадиган, ҳукм Аллоҳ ва Расулидан бошқаники бўладиган кофирлар диёрида яшашга, унинг фуқаролигини қабул қилишга, унда аҳли-оиласи ва фарзандлари билан ҳаёт кечиришга мўмин кишининг дили қандай хуш бўлиши мумкин?! Ахир у буларнинг ҳаммасини ўз кўзи билан кўриб, қулоқлари билан эшитиб турган бўлса, қандай қилиб бундай ҳаётга рози бўлиши мумкин?! Бу билан у ўзини ҳам, оиласи ва фарзандларини ҳам жуда катта хатарга дучор қилган бўлади! (Фатво Ибн Усаймин раҳимаҳуллоҳга тегишли).

Учинчи насиҳат:

Мусулмон киши энг биринчи навбатда **диниға** эътибор қаратиши лозим. Бутун оламнинг подшоҳи бўлмиш Аллоҳ жалла жалолуҳунинг тоатидан ташқарида бўладиган мол-дунёнинг, уй-жойнинг, яхши маошли вазифанинг, юқори даражали шифохонанинг, фаровон ҳаёт кечиришнинг нима қиймати бор?!

Қаерда бўлманг, албатта исломий ибодатларни очик адо этишга қаттиқ ҳаракат қилинг! Бу диннинг хусусиятларидан бири унинг очик-ошкор дин эканидир. Намоз вақти қаерда эканингизда кирмасин, бозордами, ишхонадами, бошқа жойдами, албатта ўқинг, ҳеч тортинманг!! **«Биз айтдик: Қўрқмагин. Албатта сен ўзинг ғолиб бўлувчисан»** (Тоҳа: 68).

Мен (муаллиф) Швецияда бўлганимда, бир куни у ерда яшайдиган иккита муҳожир биродар билан биргаликда қадимий битиклар ва осори атиқаларни томоша қилгани музейга кирдик. Кириш ҳақини тўлаб, ичкарига кирганимиздан кейин бир неча дақиқа ўтгач, аср намози вақти бўлиб қолди. Шунда биродарлардан бири:

- Шайх, келинг, ташқарига чиқиб, намоз ўқиб кирамиз, - деб қолди.
- Нега шу ерда ўқиб қўя қолмаймиз? – сўрадим мен ажабланиб.
- А?! Уларни олдида-я?! Йўқ, йўқ!! Қандай қилиб?! Бу жуда қийин!!
- Бунинг нимаси қийин экан?!
- Шведларнинг кўзи олдида намоз ўқиш?! Қўйсангизчи!!
- Ҳа, шведларнинг кўзида намоз ўқиймиз! Нега энди уларнинг кўзи олдида ўқимаслигимиз керак?! Ахир улар бизнинг кўзимиз олдида бир-бири билан ўпишиб юришибди-ку!! Биздан уялишмаяпти-ку!! Ҳеч кимдан хижолат чекмай бемалол қучоқлашиб ўтиришибди-ку?!! Шундоқина кўчаларда ичкилик ичиб ўтиришибди-ку?!! Авратларини очиб юришибди-ку?!! Очикдан очик беҳаё ишларни қилишмаяпти-ку?!! Буни улар эркинлик деб аташади!! Биз эса уларга маҳлиё бўлиб, эркинликларига оғзимизнинг суви келади!! Нега энди биз ҳам улар кўзи олдида намозимизни ўқимаслигимиз, ўз эркинлигимизни намоиш қилмаслигимиз керак?!!

Шеригим ноиложликдан рози бўлди..

Музейнинг бир четига ўтдик, мен қиблага юзланиб, қўлларимни қулоқларимга олиб бораётган эдим, ҳалиги шеригим жонҳолатда: - Ҳой, ҳой!! Нима қилмоқчисиз?! – деди.

- Азон айтмоқчиман, - дедим мен хотиржамлик билан.

У қаттиқ безовталиқ ичра: - Азон?! Шу ерда-я?! - деди.

- Ҳа, шу ерда! Ахир бу ерда эркинлик (Free) ҳукмрон эмасми?! Улар кўчаларда кўшиқ айтиб юришибди-ку!! Буни Free деб аташади-ку!! Сиз ҳам бу ишимизни Free атаб кўя қолингда!!

Шундай деб мен паст овозда azon ва иқомат айтдим, сўнг намозимизни ўқиб, томошани давом эттирдик. Одамлар бизнинг жамоат бўлиб намоз ўқиётганимизни, такбир ва тасбеҳ айтганимизни, руку ва сужуд қилганимизни кўришди. Полиция келиб, кўлимизга кишан солмади, жарима ҳам тўламадик, қамоққа ҳам тиқиб кўйишмади.. Осмон узилиб ерга тушмади ҳам. **Нега энди айрим биродарлар бировлар кўзи олдида намоз ўқишга уялишади?!!** Паркларда, жамоат жойларида намоз ўқишга хижолат бўлишади?! Ҳатто, айрим мусулмонлар на сафар, на касаллик узри бўлмагани ҳолда, фақатгина одамлар кўзи олдида намоз ўқишдан уялишгани учунгина намозларини жамлаб ўқиб олишади!!

Азиз дўстим! Бу ибодатни изҳор қилиш Исломи динига бўлган энг катта даъватлардан бири эканини унутманг!! **«Сабр ва салот (намоз ўқиш) билан мадад сўранглар. Албатта у (намоз ўқиш) оғир ишдир. Магар ўзларининг Парвардигорларига рўбарў бўлишларини ва шубҳасиз, унга қайтажакларини биладиган шикастанафс зотларга (оғир эмасдир)»** (Бақара: 45, 46).

Албатта, Исломининг бошқа белгилари ҳам, масалан, номаҳрам аёллар билан кўл бериб кўришмаслик, улар билан ёлғиз қолмаслик кабилар ҳам ошкора изҳор қилиниши зарур..

Аллоҳдан сизни ношаръий ишлардан пок қилишини, дину иймонингизни асрашини сўрайман. Амийн..

Тўртинчи насиҳат:

Муҳожир биродар, хонадонингиз сизнинг биров дахл қилолмайдиган мамлакатингиздир. Сиз қиёмат куни ўз хонадонингиз аҳлидан бирма-бир масъул бўласиз! Ким фарзандларига нисбатан тўғри ва чиройли муомалада бўлса, уларни ёшлиқларидан солиҳ тарбия билан ўстирган бўлса, улар унинг дунёсига ҳам, охиратига ҳам манфаатли бўладилар. Ҳаётлик даврида уларнинг меҳру муруватларига, итоату иноятларига сазовор бўлади. Вафотидан кейин эса унинг ҳаққига қилган дуоларидан, айтган истиффорларидан нафланади. **«Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан шод-хуррамлик ҳадя этгин ва бизларни тақводорларга пешво қилгин», дейдиган кишилардир»** (Фурқон: 74). Закариё

алайҳиссаломнинг дуоларини эсланг, у зот: «**Парвардигорим, менга ҳам Ўз ҳузурингдан бир покиза фарзанд ато эт! Албатта Сен дуо-илтижоларимни эшитувчисан**», (Оли Имрон: 38) дедилар, Парвардигорларидан қандай бўлса ҳам бир фарзанд беришини сўрамадилар, балки унинг покиза зурриёт бўлишини тиладилар. Чунки, фосид зурриёт сизга ғам-ташвиш ва машаққатдан бошқа нарсани олиб келмайди!!

Шу борадаги айрим муҳим йўл-йўриқларни диққатингизга ҳавола этмоқчиман:

- Намозларни болаларингиз ҳамроҳлигида масжидда жамоат бўлиб ўқишга аҳамият беринг. Агар бунинг имкони бўлмаса, уйда бўлса ҳам вақтидан кечиктирмай, улар билан бирга ўқишга ҳаракат қилинг, болаларингиздан биронтасининг жамоат намозида ҳозир бўлмаслигига бепарво қараманг. Бу гап ҳамма намозларга тегишли.
- Ҳар бир намозга азон айтишга аҳамият беринг. Уйда намоз вақтлари ёзилган варақ осиб қўйилса, болаларингиздан бирини намозга азон учун масъул қилиб қўйсангиз, яна яхши. Намозни доим битта хонада ўқилса, ўша хонада азон айтиб, ўша хонага намозга йиғилсангизлар, яхши бўлади.
- Уйда чоғроққина бўлса ҳам, кутубхона бўлиши, унда шаръий аҳкомлар, фойдали ҳикоялар ва шу каби китоблар ва овозли ёзувлар бўлиши зарур. Бунинг учун пул сарфлашга асло бахиллик қилманг. Чунки, бу Аллоҳ йўлига мол сарфлаш бўлиб, бунинг учун ажрга эга бўласиз.
- Уйда ҳафтада камида бир марта диний дарс бўлишига аҳамият беринг, унда оиланинг ҳамма аъзолари жамланиб, «Риёзус-солиҳийн» китобидан ё тафсирдан ё салафлар ҳаётидан ибратли ҳикоялардан ўқилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу оиланинг ўзаро алоқасини маҳкамлаш учун жуда зарур тадбир ҳисобланади. Қолаверса, малоикалар устингизга соя ташлаб турадилар, сизларни раҳмат ўраб олади ва Аллоҳ таоло ўз ҳузуридагилар ичида сизларни зикр қилади. Оила аъзоларингизнинг ушбу дарсдан қолишларига бепарво бўлманг. Ушбу оилавий ички дарслар ислом марказларида олиб бориладиган дарсларга қатнашиш ўрнини босмайди, албатта.
- Вақти-вақти билан болаларни олиб, намоз ва илм мажлисларига қатнашиш учун ислом марказига бориб туриш уларнинг иймонларини

кучайтиради, мусулмон биродарлар билан алоқаларини мустаҳкамлайди, қалбларида исломий иззатни ҳис қилиш уруғларини экади.

- Болалар билан уйда фақат араб (ўзбек) тилида сўзлашинг, бунга қаттиқ қаранг. Фарзандларингизни бошқа ажнабий тилда гапиришдан ман қилинг. Мактаб ё кўча тилида сўзлаган болангизга жазо белгиланг. Бу ҳам жуда муҳим!!

Бешинчи насиҳат:

Болаларингиз сизнинг қўлингиздаги хамирдир, гўдаклик даврида уларни ўзингиз хоҳлаган шаклга сола оласиз. Ана шу даврда уларнинг тарбиясига лоқайдлик билан қарашни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бинобарин, қуйидагиларга эътибор беринг:

Болангиз уч яшарлик пайтида «Фотиҳа» сурасини ёд олган бўлсин, агар уни яхши ёдлаб олган бўлса, «Ихлос» каби майда сураларни ёдлатишга ҳаракат қилинг.

Беш ёшлик пайтида майда сураларни тўла ёд олган бўлсин.

Ўн ёшга етганида камида уч-тўрт пора Қуръон ёдлаган бўлсин.

Бу аввал-бошда қийин кўринади, лекин бола одатланиб олганидан кейин осонлашиб кетади: **«Қасамки, Биз Қуръонни зикр-эслатма олиш учун осон қилиб қўйдик»** (Қамар: 17). Бошида озроқ қийин бўлади, жаннатга эришиш осон эмас-да!!

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жаннат макориҳ (оғир-қийин кўринган нарсалар) билан ўралгандир, дўзах эса шаҳватлар (нафс ёқтирган нарсалар) билан ўралгандир», деганлар (Имом Муслим ривояти).

Сиз қачон бу дунёни тарк этиб, бола-чақаларингиздан ажралишингизни билмайсиз. Шундай экан, қиёмат куни Аллоҳ таоло ҳузурида яхшиликларингиз палласини оғир бостирувчи захира бўлиб қолиши учун уларга Қуръонни ёдлатиб қўйинг.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Инсон вафот этса, унинг барча амаллари тўхтайдди, фақат учта амалидан (савоб етиб туради): садақаи жория ёки фойдаланиб туриладиган илм ёки унга дуо қилиб турадиган солиҳ фарзанддан» (Имом Муслим ривояти). Аллоҳнинг Каломини ёд олган фарзанддан кўра ҳам солиҳроқ фарзанд бўладими?!

Ўзингиз ё болаларингиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам улардан шикоят қилган кшилардан бўлиб қолишдан ҳазир бўлинг: **«Пайғамбар айтди: «Эй**

Парвардигорим, дарҳақиқат менинг қавмим (Қурайш қабиласи) ушбу Қуръонни тарк қилиб (ундан юз ўғирдилар)» (Фурқон: 30).

Фарзандингизга Қуръон ёдлатишнинг бир неча усули бор:

- Овозли ёзувдан фойдаланиш. Бола тасмага ёзилган Қуръон тиловатини то ёдлаб олгунича қайта-қайта эшитади.
- Хос бир мударрисга бериш. Бир неча оталар Қуръонни яхши билувчи бир кишига болаларини йиғиб берадилар, у ҳафтасига бир неча марта уларни бирма-бир ўқитади.
- Болани мукофотлаш орқали Қуръон ёдлашга тарғиб қилиш.
- Болани ёдлашдан тўсадиган компьютер ўйинлари каби ҳар хил ўйинларни камайтириш.

Олим биродарлардан бири ҳикоя қилишича, даъват учун Швециянинг бир шаҳрига борганида араб тилидан бир калима ҳам билмайдиган ажам биродарлардан бирининг икки қизи ва бир ўғли Қуръонни тўла ёд олганини кўрган экан, болаларнинг энг каттаси энди ўн иккига кирган экан!! Ҳа, у буни ўз кўзи билан кўрган ва уларни текшириб ҳам кўрган экан. Ўша биродарнинг қасди тўғри ва нияти холис бўлганидан Аллоҳ таоло унга тавфиқ берган, ўзига ҳам, фарзандларига ҳам баракаот ато этган!!

Данияда бир кишини кўрдим, ўзи яқингинада Исломни қабул қилган экан, бир калима ҳам арабча билмайди. Бироқ, Қуръонни ёдлашга ва дин ўрганишга иштиёқи жуда баланд, ёнида доим кичкинагина мусажжил (магнитофон) олиб юради, арабчани яхши биладиган одамни кўрса, ундан Қуръондан бирон сурами, дуоми ё шунга ўхшаш нимадир ёзиб олади, кейин уни қайта-қайта эшитиб ёдлаб олади. **«Бизнинг (йўлимиз)да жиҳод қилган — курашган зотларни албатта Ўз йўлларимизга ҳидоят қилурмиз. Аниқки, Аллоҳ чиройли амал қилувчи зотлар билан биргадир»** (Анкабут: 69).

Бошқа бир даъватчи биродар ҳикоя қилишича, у Австралияда асли келиб чиқиши Сингапурлик бўлган, ҳозирда Австралия фуқаролигига эга бўлган иккита ёшгина болани кўрган экан, бири беш ёшда, иккинчиси етти ёшда экан, иккиси ҳам Қуръонни тўла ёд олган экан!! Қизиғи, ҳар иккиси ҳам араб тилидан бир калима ҳам тушунмас экан!

Шу биродар яна айтишича, у уларни имтиҳон қилиб кўрган ва ҳофиза қувватларидан таажжубга тушган экан. У айтади: Мен улардан бирига инглиз тилида сўзлаб, Қуръондаги «жаҳаннам» калимаси бор бўлган оятларни айтиб

беришини сўраган эдим, у шариллатиб санаб кетди. Сўнг «жаннат» калимаси бор бўлган оятларни сўрадим, уларни ҳам тўхталмай айтиб берди.

Болаларга Қуръонни ёд олишларига ўгай оталари қаттиқ аҳамият қаратибди, уларга Қуръон ёзилган овозли тасмани такрор-такрор эшиттириш орқали ёдлаттирибди. Аллоҳ уни хайрли мукофотлар билан мукофотласин.

Сиз ҳам уларга ўхшашга ҳаракат қилинг, яхшиларга эргашиш ҳам нажотга етаклайди.

Олтинчи насиҳат:

Фарзандларингизга гўдакликларидан исломий одобларни ўргатишга ҳаракат қилинг, улар шу одоблар устида ўсиб-улғайсинлар.

Шаръий одобларнинг тури кўп:

Масалан, ейиш-ичиш одоби, таомдан олдин «бисмиллаҳ», таомдан кейин «алҳамду лиллаҳ» дейиш, ўнг қўл билан ейиш....

Суҳбат одоби, кириш ва чиқишда салом бериш, каттани ҳурмат қилиш каби...

Сўзлаш одоби, ёлғон сўзламаслик, ахлоқсиз сўзларни айтмаслик каби...

Хожатхона одоби, киришдан олдинги дуони ўқиш, қазои хожат пайтида қиблага юзланиб ўтирмаслик каби...

Ва бундан бошқа одобларни ўргатиб боринг. Мен фақат мисол тариқасида зикр қилиб ўтдим.

Болангизга гўдаклигидан шаръий одобларни ўргатишга аҳамият бермасангиз, биласизми, бунинг натижаси нима бўлади?! Натижаси шуки, унинг таълим-тарбияси бошқалар қўлига ўтиб кетади... Болалар боғчасида у санчқини чап қўли билан ушлаб овқат ейишга ўрганади.. Хожатхона эшигини ёпиб олмасликка, қазои хожат пайтида авратларини яширмасликка одатланади.. Кўчада сўқинишни, ахлоқсиз сўзларни ўрганади..

Энди иккала тарбия ўртасидаги фарқни ўзингиз ажратиб олаверинг.

Эллик ёшлар чамасидаги даъватчи биродарлардан бирининг айтиб беришича, у Италиядаги ислом марказларидан бирида маъруза қилибди. Маъруза асносида болалар тарбияси ва ота-оналарнинг бу борадаги масъулиятлари ҳақида сўзлабди. Ҳозир бўлганларнинг аксарияти муҳожир араблар экан.

Шайх айтади: Тўсатдан саксонни қоралаган бир мўйсафид ўрнидан қўзғолиб, маърузани бўлиб, бор овози билан қичқирди: «Эй шайх! Сиз менинг қизимга уйланинг! Уни ўзингиз билан олиб кетинг! Илтимос қиламан! Ўтинаман!». Шундай деб у йиғлаб юборди.

Мен бундан қаттиқ ажабландим, лекин унга жавоб қилмасдан, маърузани давом эттирдим. Маърузадан сўнг уни ёнимга чорладим ва менга қилган яхши гумони учун ташаккур айтдим, уйланишга рағбатим йўқлигини айтиб, ундан бу қадар безовталиги ва йиғиси сабабини сўрадим.

У деди: Эй шайх! Биз тўртта оғайни оилаларимиз билан бу мамлакатга яхши ҳаёт илинжида келиб қолган эдик. Болаларимиз ўсиб-улғайишди, бир-бир қўлларимиздан чиқиб кета бошладилар. Йиллар ўтиб, дўстларим вафот этиб кетдилар, уларнинг ҳамма болалари насроний бўлиб кетишди.. Мен ҳам кексайиб қолдим, ажалим ҳам яқинлашиб қолди.. Қизимдан қаттиқ ташвишдаман. У бугун масжидда ўтирибди. Эртага нима бўлади, билмайман.

Шундай деб у ўзи ҳам йиғлади, мени ҳам, атрофдаги бошқаларни ҳам йиғлатди..

Еттинчи насиҳат:

Болаларингиз тарбиясида уларнинг онаси билан ҳамкорлик қилишингиз, уни болалар тарбиясига қаттиқ эътиборли бўлишга чорлашингиз, бу борада сабр-матонатли бўлиш ва ажру-савоб умид қилишга тарғиб қилишингиз зарурдир. Энг аввал яхши турмуш ўртоқ танлаш, унинг иффатли ва ҳижобга маҳкам бўлган мўмина бўлишига аҳамият бериш зарур. Турмуш қургандан кейин унинг иймони юксалишига, диний билимлари ортиб боришига аҳамият қаратинг, уни шаръий маъруза ва дарсларга қатнашишга, фойдали китоблар ўқиш ва кассеталар эшитишга қизиқтиринг..

Зеро, она солиҳа бўлса, фарзандлар ҳам унга эргашиб, салоҳият йўлини тутадилар.

Саккизинчи насиҳат:

Азиз биродарим! Сиз неча йилдан бери бу ерда, ғурбат ва мусофирлик юртида, кофирлар ичида яшаб келасиз?!

Баъзи муҳожирлар ғурбат диёрига ўнлаб йиллар муқаддам келишган, баъзилари йигирма йиллар олдин келганлар, ҳатто қирқ йиллар олдин келганлари ҳам бор десам муболаға қилмаган бўламан. Шунча вақт мобайнида улар орасида яшаб келадилар, иш ва хизматда, бозорларда, кўчаларда, емакхоналарда улар билан аралашиб юрадилар..

Лекин, битта саволим бор, унга очиқ жавоб беришингизни истайман:

Шунча узоқ муддат давомида неча нафар киши сизнинг қўлингизда Исломни қабул қилди?

Ёки сиз қанча одам билан Ислом ҳақида мунозара қилдингиз ва унинг дилидаги Ислом тўғрисидаги нотўғри шубҳа-гумонларни аритиб ташладингиз?

Исломга даъват қилувчи неча китоб ё кассета тарқатдингиз?

Динига лоқайд неча мусулмонга насиҳат қилдингиз?

Бунинг муқобилида бошқа бир саволим ҳам бор:

Қанча мол-дунё жамғардингиз? Нечта квартира сотиб олдингиз?

Қанча гуноҳи кабирага қўл урдингиз деб сўрашдан Аллоҳдан паноҳ сўрайман..

Азиз биродар! Вайроналик келтирувчи залолат йўлидагилар Европада ва бошқа жойларда ўз йўлларига тарғиб-ташвиқ қилишда мусулмонлардан анча ўзиб кетганлар. Мана, «Иегова шоҳидлари» фаолиятига ёки бўлмасам, шийъалар ҳаракатига ё шунга ўхшаган бошқа йўллардагиларнинг фаолиятига қаранг. Ҳолбуки, сиз ҳақ устида, улар эса ботилдалар.. «(Одамларни) **Аллоҳ**(нинг дини)га даъват қилган ва ўзи ҳам яхши амал қилиб, «Шак-шубҳасиз мен мусулмонлардандирман», деган кишидан ҳам чиройлироқ сўзлагувчи ким бор?» (Фуссилат: 33).

Қаерда бўлманг, ҳидоят машъали бўлинг, ўзингиз билан даъватга доир китоблар ва кассеталар олинг. Бу сиздан ҳеч қанча маблағ талаб қилмайди, Аллоҳ бунинг эвазига сизга кўп яхшиликлар ато этади.

Бир мусулмон биродар катта ширкатда ишларди. Доим даъват қилиш ҳақида ўйлаб юрар, бироқ хижолат бўлиб, бунга ботинмас экан. Бир куни ширкатнинг каттароқ амалдаги хизматчиларидан бири нафақага кузатилиб, дўстлари шу муносабат билан хайрлашув тадбири ташкиллаштирибдилар, ҳар ким уни кузатишга бирон ҳадя ҳозирлабди.

Биродар айтади: Мен унга нима ҳадя қилсам экан деб ўйланиб қолдим. Сўнг бу ходим қадимий идишларни йиғишни яхши кўриши эсимга тушиб, унга чиройли бир тухфа сотиб олдим ва унинг ичига Ислом ҳақидаги кичик бир китобни жойладим, унга ўз манзилим ва телефон рақамимни ёзиб қўйдим. Совғани чиройли қилиб ўраб, унга ҳадя қилдим..

Орадан бир қанча вақт ўтди...

Икки ойлар чамаси вақт ўтгач, тўсатдан нафақага чиқиб кетган ходим қўнғироқ қилиб, ўзининг Исломни қабул қилганини билдирди. Айтишича, ҳалиги китобни ўқиб чиқибди... Сўнгра Ислом ҳақида кўпроқ маълумотлар олишга қизиқиб, сўраб-

суриштирибди, охир-оқибат қалбига ҳидоят кириб, Исломни қабул қилибди. Бунга ўша мен қимтинибгина идиш ичига жойлаб қўйган ўша китобча сабаб бўлибди!!

Қизиғи, нафақага чиққан ўша танишим нега шунча йилдан бери ҳидоятни ундан яшириб юрганимни айтиб, мени маломат ҳам қила бошлади!!

Азиз муҳожир биродар!

Ҳиндистонга, Покистонга, Хитойга, Африканинг кўпгина мамлакатларига ва рисолат бешигидан узоқдаги яна бошқа бир қатор юртларга Ислом қай тариқа кириб келганини биласизми??

Ислом бу юртларга даъватчилар орқали кириб келмаган.. Жиҳод орқали кирмаган.. Ёзишмалар орқали кирмаган.. Йўқ.. Ислом бу юртларга на олим, на мужоҳид бўлган оддий мусулмонлар воситасида, ўша юртларга тижорат мақсадида борган тожирлар орқали кириб борган. Улар у ўлкаларга матолар олди-сотди қилиш мақсадида боришган, мол-дунё топиш қасдида боришган эди.. Бироқ, натижада Аллоҳ таоло уларга дунёни ҳам, охиратни ҳам жамлаб берди. У диёр аҳллари мусулмонлардан таъсирландилар.. Уларнинг намоз ўқишларини, чиройли ахлоқларини кўрдилар.. Улардан Ислом ҳақида сўрадилар, улар Исломни тушунтирдилар ва унга даъват қилдилар. Саноқсиз одамлар шу савдогарлар воситасида Исломни қабул қилганлар.

Ҳиндистонда юз миллиондан ортиқ мусулмон бор.. Ким уларнинг ҳидоятига сабабчи бўлди?!

Хитойда юз миллиондан ортиқ мусулмон бор.. Ким уларнинг ҳидоятига сабабчи бўлди?!

Африка мамлакатларида юз миллионлар мусулмон бор.. Ким уларнинг ҳидоятига сабабчи бўлди?!

Бу ўлкаларга дунё талабида кириб борган, натижада эса Аллоҳ таоло уларга дунё ва охират яхшилигини жамлаб берган ўша тожирлар сабабчи бўлганлар!

Мусулмон биродар!

Сизнинг ҳолатингиз ҳам ўша тожирлар ҳолатидан кўп ҳам фарқ қилмайди. Улар ҳам у диёрларга дунё талабида келгандилар, сиз ҳам бу ўлкага дунёвий роҳат, яхши ҳаёт, жон ва бола-чақа тинчлигини кўзлаб келгансиз. Нега энди сиз ҳам худди уларга ўхшаб ҳам дунёни, ҳам охиратни қўлга киритиб олмайсиз?!!

Азиз биродар!

Шояд Аллоҳ таоло бу диёр аҳлининг ҳидояти сизнинг қўлингизда ва сиз каби бошқа муҳожир биродарлар қўлида бўлишини ёзган бўлса!..

Шояд Аллоҳ таоло бу диёр аҳлининг ҳидоятига сабаб бўлиб қолишингиз учун бошларингизга ҳар турли кўргуликларни солиб, сизларни бу ўлкаларга чиқаргандир!! Шундай экан, нега энди Парвардигорингизга даъват қилувчилардан бўлмайсиз?! **«Айтинг: Менинг йўлим шудир. Мен Аллоҳга даъват қиламан. Мен ва менга эргашган кишилар аниқ ҳужжатга — ишончга эгамиз. (Ҳар қандай шерикдан) Аллоҳни поклайман. (Зеро) мен мушриклардан эмасман»** (Юсуф: 108).

Даъват фақат кофирларгагина бўлмайди, динига бепарво бўлган мусулмонларни ҳам даъват қилиш зарур! Улар гарчи маъсиятларга ботиб ва гуноҳи кабираларга қўл уриб юришган бўлса ҳам, барибир вужудларида иймон, динга муҳаббат ва унга қайтиш рағбати сақланиб қолган.

Даъватчи биродарлардан бири айтади:

Европа давлатларидан биридаги ислом марказида маъруза қилдим. Маърузадан сўнг ҳузуримга бир йигит келди, ундан гуп этиб тамаки ҳиди келар, вужудида маъсиятлар асорати билиниб турарди. У мен билан жуда илиқ кўришди. Сўнг Чеченистондаги жиҳодга қандай қилиб борса бўлиши ҳақида сўради. Мен унга: «Жиҳодга бормоқчимисан?!», дедим. «Ҳа», деди у ишонч билан. «Жиҳод нималигини биласанми?! Жиҳод ўлимга бориш демак, аҳли аёл ва фарзандлардан ажралиш демак», дедим. «Мукофоти жаннат эмасми ахир?!», деди у. «Шундай», дедим. «Ундай бўлса арзийди», деди.

Тўққизинчи насиҳат:

Европа давлатларидан бирида эдим. Таровиҳ намози ва маърузадан сўнг биродарлардан бири уйига бир пиёла чойга таклиф қилди.

Биздан ташқари яна ўттиз чоғли муҳожирлар ҳам йиғилган экан..

Бошида улар суҳбатига қулоқ солиб, жим ўтиришни афзал кўрдим.

Гурунг фалон мамлакатнинг босиб олиниши, фалон мамлакатга уруш очилгани, нархларнинг кўтарилиб кетгани, солиқларнинг ошиб кетгани каби мавзуларда кетди.

Кейин ўртада тортишув бошланиб кетди, овозлар кўтарилиб, бақир-чақир бўлиб кетди.

Охир бориб ҳатто бир-бирларини ҳақоратлашгача етдилар.

Мен оғзим очилиб, ҳали унисига, ҳали бунисига қарардим. Аввал бошда нима бало, БМТ мажлисида ўтирибманми, деб ўйладим.

Атрофимда ўтирганларга назар солгач, оддий муҳожир биродарлар даврасида ўтирганим эсимга тушди.

Бошида уларни гапдан тўхтатишга биров хижолат бўлдим. Ўзлари овозларини пастлатишар деб кутдим. Бироқ, ундай бўлмади.

Шовқин-сурон чўзилгандан чўзилгач, ёнимдаги кишига қараб:

- Шу ҳолда давом этаверадими энди?! - дедим.

- Ҳали буниси ҳолва! Бугун гурунг анча тинч ўтаяпти, бу аҳвол тонг отгунча шу зайлда давом этади, - деди у. Сўнг: - Нима дейсиз, уларни тинчлантирайми?, - деди.

- Тинчлантириш қўлингиздан келадими? Қўлингиздан келса, шундай қилинг, - дедим.

Шундан сўнг у бор овози билан қичқирди:

- Ҳой жамоат! Шайхдан фойдаланиб қолайлик! Ҳой жамоат, жим бўлинглар!

Унинг гапидан кейин сал хижолат бўлишиб, бир-бирларини жимликка чақиришди.

Сўнг мен гап бошладим:

- Сизлардан битта нарсани сўрайман. Ҳаммангиз «Ихлос» сурасини ёд биласиз-а?!

- Ҳа!

- «اللَّهُ الصَّمَدُ» («**Аллоҳ** (барча ҳожатлар билан) **кўзланувчидир**») нима дегани, биласизларми?

Жим бўлиб қолишди.

- Ҳаммангиз «Фалақ» сурасини ёд биласиз-а?!

- Ҳа!

- «عَاسِقٍ إِذَا وَقَبَ» («**зулматга чўмган кечанинг ёмонлигидан...**») нима дегани, айтиб бера оласизларми?

Ҳамма жим.

Кейин айтдим:

- Биродарлар! Агар шу йиғинларингизда бир оятнинг тафсирини ё биргина ҳадис ўқисангиз ёки болаларингизнинг тарбияси ҳақида бош қотирсангиз, қизларингизнинг муаммоларига ечим истасангиз, бу гаплардан кўра ўзингиз учун анча фойдали иш қилган бўлардингиз. Сизларнинг бундай гурунглариингиз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги сўзларига жуда мос тушади: «Қай бир қавм бир йиғинда ўтириб, унда Аллоҳни зикр қилмаса ва

пайғамбарларига саловот айтмаса, уларга ҳасрат ва надомат бўлади. Аллоҳ истаса уларни азоблайди, истаса кечиради» (Термизий ривояти, саҳиҳ ҳадис).

У зот яна айтганлар: «Қай бир қавм бир мажлисда Аллоҳни зикр қилмай туриб кетса, худди ўлиб сасиб кетган эшакнинг жасади устидан тургандек бўлади ва бу улар учун ҳасрат бўлади» (Абу Довуд ривояти, саҳиҳ).

Кейин айтдим: - Мана, Ибн Касирнинг тафсирлари олдингиздаги стол устида ётибди, нега ундан фойдаланмайсизлар?! Ўзингиз диннинг асосларини яхши билмайсиз, қандай қилиб унга ёрдам берасизлар, қандай қилиб одамларни унга даъват қиласизлар?! Агар ҳозир намознинг ё рўзанинг баъзи аҳкомларидан сўрасам, кўпчилигингиз билмайсиз!.

Кейин ҳақларига дуо қилиб, мажлисни якунладим.

Даъватчи биродарлардан бири айтади:

Рамазон ойида Америкада эдим. Оила, болалар тарбияси, динда мустаҳкам туриш воситалари мавзусида араб тилида маъруза қилдим. Маъруза ҳали якунига етмасдан туриб, бир киши ўрнидан туриб: «Нега фалончи ҳоким фалон-фалон ишларни қилади?!», деб сўради.

Мен унга босиқлик билан: «Саволлар маъруза мавзусига тааллуқли бўлса яхши бўларди», дедим.

Бошқа бир киши туриб: «Нега фалон давлат фалон давлатга уруш қилаяпти?!», деди.

Мен узр айтиб, жавоб бермадим. Чунки, жавоб беришнинг фойдаси ҳам йўқ эди ўзи.

Шунда улардан бири қизишиб, мени жавоб беришдан қўрқаяпти деган гумонда деди:

- Эй шайх! Қўрқоқлик қилманг! Шаҳидларнинг саййиди зўравон ҳоким олдида туриб, ҳақ гапни ошкор айтгани учун ўлдирилган киши бўлади! Ҳақни айтаверинг, султонга етиб борса, нари борса ўлдиради-да!! Ё сиз шаҳидлар саййиди бўлишни истамайсизми?!

Мен дедим:

- Унда мана бундай қилсак, нима дейсиз? Сизга йўлкирага пул йиғиб берсак, сиз эса юртингизга қайтиб бориб, президент ... олдида ҳақ сўзни айтасиз. У сизни ўлимга ҳукм қилади ва сиз шаҳидлар саййидига айланасиз. Биз эса сиздан кейин, иншооллоҳ...

Гурр этиб кулги кўтарилди. Ҳамма қотиб-қотиб куларди... Кейин эса масжидда шовқин-сурон ва эътирозлар кўтарилди.

Мен баланд овозда хитоб қилдим:

- Ҳой жамоат! Мен сизларга бугунги ҳаётларингизга тааллуқли бўлган, алам-аччиғини тортиб турганингиз масалада гапирсам, сизлар ўн йиллар гапирилса ҳам бекорга кетадиган гаплар билан вақтни бекорга кетказаяпсизлар.

Сўнг овозимни яна ҳам баландлатиб, дедим:

- Қай бирингиз қизини зинодан тўсишга қурби етади?!
- Қай бирингиз хотинини ўйнаш тутишдан ман қила олади?!
- Қай бирингиз боласини ароқ ичишдан ё фаҳш ишдан тўса олади?!
- Қай бирингиз фарзандларини намозга ё рўзага ё ҳаромлардан тийилишга ё бошқа жинс вакили билан аралашмасликка мажбурлай олади?!

Ҳамма жим бўлиб қолди.

Кейин улардан бири ўрнидан туриб деди: «Бу айтганларингиздан биронтасини қилишга ҳеч биримиз ботинолмаймиз, эй шайх! Қасам ичиб айтаманки, ҳеч кимимиз қилолмаймиз! Агар қизимни ё ўғлимни бирон нарсадан тўсадиган бўлсам, у устимдан полицияга арз қилади.. Ҳатто аёлим ҳам!».

Мен айтдим:

- Азиз дўстлар! Аллоҳ таоло қиёмат куни ҳеч бирингиздан фалон ҳоким ё фалон давлат ҳақида ё нефтнинг нархи тўғрисида, ундан келаётган фойдалар қаёққа сарф бўлгани ҳақида сўрамайди. Бундай ишлар ҳақидаги гаплар атрофимизни ўраб турган воқеъни билиш бобидан бўлганда ҳам ҳеч қандай фойда келтирмайди. Энди йиғинлару мажлисларни фақат шу мавзудаги гаплар билан ўтказиш бизнинг аҳволимизга ҳеч муносиб келмайди! Бу гаплар фақат жанжал ва хусуматга сабаб бўлади, холос! Бунинг эса ҳеч кераги йўқ. Бу нарсалар ҳақида билмаслик қиёмат куни сизларга зарар келтирмайди.

Лекин, Аллоҳга қасамки, сизлардан ҳар бирингиз қиёмат куни фарзандлари тўғрисида, уларнинг тарбияси ҳақида саволга тутилади. Аёли ва қизларининг номусини сақлаганми, йўқми эканидан сўралади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Аллоҳ таоло ҳар бир бошлиқни ўзининг раияти ҳақида, уларни асрадимми ё зое қилдимми, сўроққа тутди. Ҳатто, киши ўз хонадони аҳли ҳақида сўроққа тутилади» (Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоятлари, саҳиҳ).

Шу гапларни айтганимдан кейин ҳаммаси жим бўлиб қолишди.

Севикли биродарим! Илм олишга, динингиздаги аҳкомларни билишга рағбат қилинг. Бунинг учун фойдали китоблар мутолаа қилиш, фойдали кассеталар тинглаш, толиби илмлар билан суҳбатлашиш, илм мажлисларида иштирок этиш керак бўлади. Кунингизни битта бўлса ҳам янги бир фойдали нарсани ўрганмасдан ўтказиб юборманг. Ўзингизга савол беринг: Қуръонингизни пухталаб олаяпсизми? Бир кунда қанча вақтингиз фойдали китоблар ўқишга сарф бўлаяпти-ю, қанча вақтингиз телевизор қаршисида ўтаяпти? Кейин иккаласини таққослаб кўринг ва ўзингизга: «Бу дин кўп вақтимни уни ўрганиш, ўргатиш ва даъват қилишга бахш этишимга лойиқми?!» деб савол беринг.

Азиз дўстим! Ўзингиз учун фойдали ишларга қизиқинг, Аллоҳдан мадад сўранг, ялқов ва ожиз бўлманг. Фаол ва таъсир ўтказувчан бўлинг. Бирон йиғинга чақирилсангиз, бирон фойдали китоб кўтариб бориб, ўн дақиқа бўлса ҳам уларга шундан ўқиб беринг. Тунги намознинг фазли ҳақидами, Аллоҳнинг зикри ҳақидами, садақанинг фазли ҳақидами, майли, қандай мавзуда бўлса ҳам, уларга манфаатли бўлсин.. Токи шу билан бу мажлис малоикалар қанотлари билан ўраб турадиган ва раҳмат қамраб оладиган, Аллоҳ таоло Ўз ҳузуридагиларга сизларни зикр қиладиган мажлисга айлансин.

Аллоҳ таолодан сизни қаерда бўлманг, баракотли кишилардан қилишини сўрайман. Амийн.

Ўнинчи насиҳат:

Бекорчилик кўп ёмонликларга олиб боради. Улардан энг ёмони кўп гапириш, ғийбат ва миш-миш гапларга берилишдир. Кўрасизки, бир талай муҳожир биродарлар ора кунда йиғилишиб, бировнинг ғийбатини қилиб ё обрўсига чанг солиб ё шахсий ҳаётини титкилаб ё ўзларидан сўралмаган ва бировларга тааллуқли бўлган гаплардан гаплашиб ўтиришади.

Баъзан бунга ҳасад сабаб бўлади..

Баъзан қалблардаги мараз ва адоват тўлиб-тошади..

Азиз биродар! Битта шаҳарда яшаб турган мусулмонлар ўзаро сафларимизни бирлаштиришга қодир бўлмаймиз-у, қандай қилиб ислом умматини бирлаштиришни орзу қиламиз?!

Мусулмонларга нисбатан дил софлиги ва кўнгил тозалиги ҳам энг катта ибодатлардан ва жаннат аҳлининг белгиларидан саналади: **«Биз (жаннатлардаги) сўриларда дўст-биродар бўлиб, бир-бирларига рўбарў ўтирган зотларнинг дилларидаги ҳар қандай гина-кудуратларни чиқариб ташладик»** (Ҳижр: 47).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана бу сўзлари нақадар ажойиб:

У зотдан: «Одамларнинг энг афзали ким?» деб сўралганда «Дили тоза ва ростгўй киши», деб жавоб бердилар. «Ростгўйликни биламиз, дили тоза одам қандай бўлади?», дейилганда: «Тақводор, покиза, гуноҳ, тажовуз, ғиллу-ғашлик ва ҳасаддан тоза одам», дедилар (Ибн Можа ривояти, саҳиҳ).

Мусулмонларга яхшилик қилинг, гарчи улар сизга ёмонлик қилсалар ҳам...

Уларга ҳалимлик кўрсатинг, гарчи улар сизга кўполлик қилишса ҳам...

Мусулмон биродарларингизга нисбатан бағрикенглик қилинг...

Дунё ўткинчи, ғирр этиб ўтиб кетади.

Жуда кўп одам намоз билан, садақа билан, рўза билан Аллоҳга қурбат ҳосил қила олиши мумкин. Бироқ, мусулмонларга нисбатан дилини соф қилиш билан Аллоҳга қурбат ҳосил қила оладигани жуда кам бўлади.

Аллоҳ таоло сизнинг қалбингизга боқиб, унда мусулмонларга нисбатан ғиллу-ғашлик ва ҳасадни кўришидан ҳазир бўлинг!!

Ўн биринчи насиҳат:

Насроний аёлга уйланишдан эҳтиёт бўлинг! Сиз: «Бундай қилиш ислом шариатида жоиз-ку!» деб менга эътироз билдиришингиз мумкин. Тўғри, жоиз... Лекин, бундай турмуш қуриш ортидан келган ва келаётган оқибатларга назар солинг... Аксарият ҳолларда болалар тарбиясининг зое бўлиши... Эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлар... Баъзан эрнинг диндан чиқиб кетиши ва номигагина мусулмон бўлиб қолиши... На намоз, на Аллоҳга даъват, на ҳижоб, на аралашиб юришдан сақланиш...

Қасам ичиб айтаманки, насроний аёлларга уйланган мусулмон эрақлар ҳаётида буларнинг ҳаммасини мен ўз кўзим билан кўрдим.

Ўн иккинчи насиҳат:

Сиз динингизни кимдан ўрганасиз, кимнинг фатволарини оласиз?!

Бу жуда муҳим савол.. Чунки, эътибор берсангиз, кўпчилик муҳожир биродарлар кўпроқ рухсатлар ортидан қувишади.. Хоҳиш-ҳаволарига мос келадиган фатво берадиган муфтийларни хуш кўришади.. Айримлар ҳаволарига мувофиқ келувчи фатвони эшитсалар, бошлари осмонга етиб: **«Мана шу олим ҳақиқий олим-да! Бу шайх воқеликни яхши тушунади.. Мусулмонларнинг алам-ташвишлари билан яшайди»**, дейишади. Улар учун фарқи ҳам, қизиғи ҳам

йўқ, ўша шайхнинг фатвоси Китобу Суннатга зид келадими.. Динни емиришга хизмат қиладими.. Шаръий далилларга нисбатан енгил қараш мавжудми.. Рухсат қидириб, ҳужжати заиф гапларни ушлаб олиш борми.. Муҳими, фатво бор, вассалом!!..

Мусулмон биродар!

Қиёмат куни Аллоҳ таоло сиздан фақат бир нарсани сўрайди: «(Аллоҳ) **уларга нидо қилиб: «Пайғамбарларимга нима жавоб қилган эдинглар?» дейди»** (Қасас: 65).. Фалон-фалон шайх тўғрисида сўрамайди.. Фақатгина Китобу Суннатга эргашиш ҳақида сўрайди.

Бояги муҳим саволимни яна бир бор такрорлайман: «Сиз динингизни кимдан ўрганасиз?!»

Салла-чопон кийган ва телеканалларга чиқадиганларнинг ҳаммаси ҳам муфтий бўлавермайди! Дин учун манба бўлишга ярайвермайди!

Муфтийликнинг меъёри ва миқёси шуки, берган фатвоси Китобу Суннатга мувофиқ келсин. Хоҳиш-ҳавога эргашиб, сизни Аллоҳнинг йўлидан адаштирадиган бўлмасин.

Ислом марказларидан бирида маъруза қилдим. Маърузадан сўнг бир киши олдимга келиб: «Шайх, сиз нега (эркак-аёллар ўртасидаги) аралашиб юриш масаласида қаттиқлик қиласиз?! Фалон телеканалда доктор унвонли фалон шайх тўй-маросимларда, йиғинларда эркак хотинлар аралашиб юрсалар бўлаверади, ниятлари яхши бўлса бўлди, бир-бирларига шаҳват назари билан боқмасалар бўлди, деди-ку?!», деб қолди.

Бошқа бир жойда маърузадан сўнг бир киши: - Шайх, судхўрликнинг ҳукми нима?, - деб сўради.

- Ҳамма шакли, ҳамма кўриниши ҳаром, - деб жавоб бердим.
- Фалон телеканалда фалон шайх чиқиб, судхўрлик ҳозирда аср заруратларидан бирига айланган, шуғулланишнинг зарари йўқ, деб айтди-ку!!, деди у.

Бошқа бири мендан куй-қўшиқ ва мусиқанинг ҳукми ҳақида сўради. Жавобимни эшитгач, фалон шайх уни ҳалол деб фатво берганини айтди.

Азиз биродар! Динингизни унга чанг солмоқчи бўлган ва уни бузишга интилган ҳар кимнинг ўлжасига айлантириб қўйманг! Қиёматда ўзингизга ўзингиз жавоб берасиз! Аллоҳ таоло сиздан: **«Пайғамбарларимга нима жавоб қилган эдинглар?»** (Қасас: 65) деб сўрайди.

Охирги насиҳат:

Аллоҳ таолонинг ҳузурида туришингизни ёдда тутинг ва билингки, бу дунё ўткинчидир, абадий қароргоҳ эмас!.. Аллоҳ таолодан чиройли хотима сўранг.

Бир биродар ҳикоя қилади:

Канадада тиббиёт факултетида ўқирдим. Шифохонада жонлантириш (реанимация) хонасидаги беморлар устида навбатчилик қилган бир куним асло эсимдан чиқмайди. Учинчи рақамли каравотда ётган беморнинг исми диққатимни ўзига тортди: Муҳаммад...

Мен унинг оғзи ва бурнига уланган кўплаб ускуналар ва резина ичаклар орасида кўринмай кетган юзига энгашиб қарадим. СПИД касалига чалинган йигирма беш ёшлар чамасидаги йигит, икки кун олдин ўпкасида ўткир яллиғланиш билан шифохонага келтирилган экан. Аҳволи жуда-жуда оғир эди. Ундан ҳолаҳвол сўраш мақсадида қулоғига оғзимни яқинлаштириб, оҳиста: «Муҳаммад! Муҳаммад!» деб чақирдим. У мени эшитди, лекин жавоб беришга қурби етмай, бир нималар деб шивирлади. Мен унинг уйига қўнғироқ қилдим, телефонга онаси жавоб берди. Лаҳжасидан унинг келиб чиқиши Ливанлик экани сезилиб турарди. У билан сўзлашувдан маълум бўлишича, Муҳаммаднинг отаси катта савдогар бўлиб, бир неча қандолатчилик моллари дўкони эгаси экан. Онага ўғлининг аҳволини тушунтирдим. У билан сўзлашувим асносида бирдан йигитга улаб қўйилган жиҳозлардан чийиллаб, қон айланиши кескин тушиб кетганини англатувчи огоҳлантириш сигнали кела бошлади. Мен онаси билан суҳбатни узиб, унга: «Тезда етиб келмасангиз бўлмайди», деб қичқирдим. У: «Ҳозир бандман, бўшаганимдан кейин бораман», деди. «Унда фурсат ўтган бўлиши мумкин!», дедим ва гўшакни ташладим. Ярим соатлардан кейин ҳамшира бемор йигитнинг онаси келиб, мен билан учрашмоқчи бўлаётганини айтди. Мен унинг киришига изн бердим. Ўрта ёшли бир аёл, кўринишидан мусулмон деб ўйламайсиз.. У ўғлининг аҳволини кўргач, бўғзидан фарёди отилди. Мен уни тинчлантиришга уриндим ва: «Аллоҳга боғланинг, Ундан ўғлингизга шифо сўранг!», дедим. У ҳайрат ичра: «Сиз мусулмонмисиз?!», деб сўради. «Алҳамду лиллаҳ», дедим мен. У: «Биз ҳам мусулмонмиз», деди. «Жуда яхши.. Нега унинг боши устида ўтириб, Қуръон ўқимайсиз, шояд Аллоҳ дардини енгиллаштирар?!», дедим. Она бир оз гарангсиб қараб тургач, овозлари титраганча: «А?! Қуръон?! Билмайман!! Қуръондан ҳеч нарса ёд олмаганман!!», деди. Мен: «Унда қандай намоз ўқийсиз?! «Фотиҳа»ни ҳам ёд билмайсизми?!», деб сўрадим. «Биз бу мамлакатга кўчиб келганимиздан бери фақатгина ҳайит намозларини ўқиймиз», деди. Мен ундан ўғли ҳақида

сўрадим. «Туппа-тузик эди, ўша қиз сабабли шу аҳволга тушди», деди у. «Намоз ўқирмиди?», деб сўрадим. «Йўқ, лекин умримнинг охирида ҳажга бораман деб ният қилиб юрарди», деди.

Огоҳлантириш ускунаси тобора қаттиқроқ овоз чиқара бошлади. Мен бечора йигитга яқинлашдим.. У ўлим талвасасини бошдан кечирарди.. Ускуна тобора чийиллар, онаизорнинг йиғиси атрофни тутганди.. Ҳамширалар гарангсиб қараб туришарди. Мен йигитнинг қулоғига оғзимни яқин қилиб: «Ла илаҳа иллаллоҳ, де.. Ла илаҳа иллаллоҳ, де», дедим. Ундан овоз чиқмади. Мен яна: «Ла илаҳа иллаллоҳ, де», дедим. У мени эшитаётган эди. Бироз ўзига келгандек бўлиб, менга қарашга уринди. Бечора, бутун вужуди қийналар, кўзларидан ёш оқар, юзи қорайиб кетган эди.. Мен яна: «Айт: Ла илаҳа иллаллоҳ, де», дедим.. Шунда у қийналиб, узук-юлуқ қилиб гапира бошлади: «О-о-ҳ.. О-о-ҳ.. Чидай олмайман.. О-о-ҳ.. Оғриқ қолдирувчи беринг.. О-о-ҳ.. О-о-ҳ..».. Мен эса ўзимни йиғидан зўрға тутиб, тинмай унга ла илаҳа иллаллоҳ дегин деб ёлворардим.. Бирдан унинг лаблари қимирлай бошлади. Мен суюниб кетдим.. Эй худойим, ниҳоят айтадиган бўлди.. Ҳозир айтади.. Бироқ унинг лабларидан: «I cant.. I cant.. Маъшуқам.. Маъшуқамни кўришни истайман.. Чидолмайман.. Чидолмайман...» деган сўзлар чиқди.. Онаизор эса тинмай, ўксиб-ўксиб йиғларди... Томир уриши сусайиб борар, сўнгги нафаслар кириб-чиқаётган эди.. Мен ўзимни тутолмай, хўнграб юбордим ва унинг қўлидан ушлаб: «Ўтинаман сендан.. Ла илаҳа иллаллоҳ дегин», деб ялина бошладим. Бироқ, ялинишларим бефойда кетди. Юрак уриши тўхтади.. Йигитнинг юзи қоп-қорайиб кетди.. Унинг жони узилганди. Она унинг устига ўзини отиб, фарёд чека бошлади. Мен бу манзарани кўриб, ўзимни тўхтатолмай қолдим.. Барча тиббий урфларни унутиб, онага қараб қичқирдим: «Сен!! Сен жавобгарсан!! Сен ва отаси жавобгарсизлар!! Омонатни зое қилдинглар, Аллоҳ сизларни зое қилсин!! Омонатни зое қилдинглар, Аллоҳ сизларни зое қилсин!!».. **«Балки ёмонлик-гуноҳлар касб этган кимсалар Биз уларни ҳам иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар каби қилишимизни ва ҳаётлари ҳам, мамотлари ҳам (яъни дунёлари ҳам, охиратлари ҳам мўминлар билан) баробар бўлишини ўйлагандирлар?! Нақадар ёмон (нотўғри) ҳукм қилурлар-а?!»** (Жосия: 21).

Муҳожир биродар!

Шу бечоранинг аҳволи ҳақида бир фикр юритиб кўринг. Унинг ўрнида сизнинг ўғлингиз ё қизингиз, инингиз бўлса, ё ўзингиз бўлиб қолсангиз нима бўларди?! Шундай экан, Аллоҳ таолога тоат-ибодат қилиб қолинг.. **«Эй мўминлар,**

Аллоҳдан ҳақ-рост кўрқиш билан кўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102)..

Барча ҳолатингизда Аллоҳга илтижо қилинг, барча ишларингизда Ундан мадад ва тавфиқ сўранг. Ундан солиҳ зурриёт сўранг. **«Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан шод-хуррамлик ҳадя этгин ва бизларни тақводорларга пешво қилгин», дейдиган кишилардир»** (Фурқон: 74).

Ундан динда саботли қилишини, фитналардан нажот беришини сўранг.. **«Аллоҳдан ҳақ-рост кўрқиш билан кўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!»** (Оли Имрон: 102)..

Барча ҳолатингизда Аллоҳ таолонинг зикрига маҳкам бўлинг.. **«Эй мўминлар, Аллоҳни кўп зикр қилинглар»** (Аҳзоб: 41).

Нафсингиз маъсиятга чорлаганда Аллоҳнинг кўриб турганини ҳис қилинг. Билингки, У сизни кўриб ва кузатиб турибди!

Қисқаси, ўзингиз билан Парвардигорингиз ўртасида махфий алоқа ўрнатинг, у тунги намоз, махфий рўза ё садақа, даъват ва одамларга насиҳат кўринишида бўлиши мумкин.. Унутманг, ким фаровонлик пайтида Аллоҳга танилиб олса, машаққатлар пайтида Аллоҳ уни танийди! Аллоҳдан сизни ҳифзи-ҳимоясида асрашини ва сизга тавфиқ ато этишини сўрайман.

Сўзим охирида айтаманки: Эй муҳожир мусулмон! Эй биродарим! Мен бу насиҳатларни чин қалбимдан, сизга фақат яхшилик истаб айтдим. Мен бу сўзларга қалб кўримни ва жон торларимни қўшдим.

Сиздан фақат ғойибона дуодан бошқа ҳеч қандай тилагим йўқ. Раҳмлиларнинг раҳмлироғи бўлган Зот мени ва сизни Ўз раҳматига олсин.

Вассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.

Сизни севувчи биродарингиз Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ал-Арифий.

1.02.1420ҳ, 4.05.2000м.

Араб тилидан таржимаси 9.09.2009. ниҳоясига етди.